

САВОЛ: Куръонда келган Фиръавннинг хотини азизлиги жихатидан Марям онамиздан устунмилар?

ЖАВОБ: Бисмиллахи рохмани рохийи.

Аллох таоло Куръони Каримда мўминларга Фиръавннинг хотини ва Биби Марямни мисол килиб келтиради:

«Аллох иймон келтирганларга Фиръавннинг хотинини мисол килиб келтирди. Ўшанда у: «Роббим, менга Ўз хузурингда – жаннатда бир уй бино килгин. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан нажот бергин ва менга золим кавмдан нажот бергин», деб айтди» (Тахрим сураси, 11-оят).

Фиръавннинг хотини ўша пайтдаги энг катта подшоҳнинг аёли эди. Хар жихатдан тўкинликда яшар эди. Нимани хохлаسا, шуни килиши мумкин. Касрларда, турли неъматлар ичида фарогатда яшашига карамасдан, кофир ва золим эрига ва кавмига карши чиқди. Аллох таолога иймон келтирди. Аллохдан жаннатда уй куриб беришини сўради. Бу эса дунё хойи-хавасидан устун келишнинг олий мисолидир.

Мўминаларнинг иккинчи мисоли Биби Марямдирлар.

«Ва фаржини пок саклаган Имрон кизи Марямни (мисол келтирди). Бас, Биз унга Ўз рухимиздан пуфладик ва у Роббининг сўзларини хамда китобларини тасдик килди ва итоаткорлардан бўлди» (Тахрим сураси, 11-оят).

Имроннинг кизи Биби Марям Аллохга соф эътиқодда бўлганлар ва ўзларини хам соф тутганлар. Яхудийлар тухмат килганларидек, нопок бўлмаганлар. Аллох таоло Жаброил фаришта оркали ўша пок жасадга Ўз рухидан «пуф» дейиш билан Ийсо алайхиссаломни ато килган. Бу киссалар бошка сураларда батафсил келгани учун биз бу ерда яна такрорлаб ўтирмаймиз, факат шуни таъкидлаймизки, у киши Аллохнинг сўзларига ва китобларига иймон келтирганлар хамда итоаткор кавмлардан бўлганлар. Мўминлар Биби Марямнинг хаётларидан ўрнак олишлари керак.

Аммо Фиръавннинг хотини Марям онамиздан устун, деган гап йўқ. Валлоху аълам.